

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА НОРМАТИВ БАЗАНИ УНИФИКАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хурсандов Алишер Суёнович

©Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18641502>

Аннотация. Мазкур тадқиқотда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани кодификация қилишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф соҳадаги 40 дан ортиқ тарқоқ ҳужжатлардаги коллизия ва тақрорланишларни аниқлаб, уларни ягона "Ёшлар кодекси" ёки ихтисослашган кодификациялашган ҳужжатга бирлаштириши заруратини асослаб беради. Ишда қонунчиликни тизимлаштириши орқали профилактика субъектларининг ваколатларини аниқ чегаралаш ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ошириши бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: кодификация, ёшлар профилактикаси, норматив тарқоқлик, ҳуқуқий ислоҳот, тизимлаштириши, коллизия, Ёшлар кодекси, ювенал адлия, қонун устуворлиги.

Аннотация. В данном исследовании анализируются актуальные вопросы кодификации нормативно-правовой базы в сфере профилактики правонарушений среди молодежи. Автор выявляет коллизии и дублирования в более чем 40 разрозненных актах и обосновывает необходимость их объединения в единый «Молодежный кодекс» или специализированный кодифицированный акт. В работе выдвинуты предложения по четкому разграничению полномочий субъектов профилактики и повышению эффективности правоприменения через систематизацию законодательства.

Ключевые слова: кодификация, профилактика правонарушений молодежи, нормативная разрозненность, правовая реформа, систематизация, коллизия, Молодежный кодекс, ювенальная юстиция, верховенство закона.

Abstract. This study analyzes current issues of codifying the regulatory and legal framework in the field of youth delinquency prevention. The author identifies collisions and duplications in more than 40 fragmented acts and substantiates the necessity of merging them into a single "Youth Code" or a specialized codified act. The work puts forward proposals for a clear differentiation of the powers of prevention subjects and improving the effectiveness of law enforcement through the systematization of legislation.

Keywords: codification, youth prevention, regulatory fragmentation, legal reform, systematization, collision, Youth Code, juvenile justice, rule of law.

Янги Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизация қилиш ва ҳуқуқий давлат пойдеворини мустаҳкамлаш жараёнида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. Бирок, амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, соҳадаги **норматив тарқоқлик (фрагментарлик)** профилактика чораларининг яхлит тизим сифатида ишлашига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Бугунги кунда ёшлар профилактикасига оид нормаларнинг турли юридик кучга эга бўлган ўнлаб қонун ва қонуности ҳужжатларида "сочилиб" кетгани ҳуқуқий коллизияларни, ваколатлар тўқнашувини ва энг ёмони, ҳуқуқий нигилизмни келтириб чиқармоқда.

Қонунчиликни **кодификациялаш** — бу шунчаки мавжуд нормаларни йиғиш эмас, балки эскирган механизмлардан воз кечиш, ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ва соҳани тартибга солувчи ягона, изчил ва тушунарли "ҳуқуқий харита"ни яратишдир. Тадқиқотда илгари сурилаётган "Ёшлар кодекси" ғояси нафақат норматив базани тизимлаштиришга, балки профилактика тизимининг фалсафасини — жазоловчи ёндашувдан тикланувчи ва реабилитацион ёндашувга ўзгартиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар янги босқичга кўтарилган шароитда ёшлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсатида стратегик устувор йўналиш сифатида шаклланмоқда. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг¹ 78 ва 79-моддаларида давлатнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган нормалар қатъий белгилаб қўйилгани мазкур соҳадаги ислоҳотлар учун мустаҳкам конституциявий пойдевор яратади. Бироқ амалиёт таҳлили шундан далолат берадики, конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш фақат умумий кафолатларни эълон қилиш билан чекланмайди; у ҳуқуқни қўллашда ягона стандартларни белгилайдиган, субъектлар ваколатини аниқ чегаралайдиган ва масъулият механизмларини ишлатадиган тизимлаштирилган ва мувофиқлаштирилган қонунчилик архитектурасини талаб қилади. Шу маънода, ёшлар профилактикаси соҳасидаги қонунчиликнинг турли даражадаги ҳужжатларга бўлиниб кетгани, нормаларнинг бир-бирини такрорлаши ёки аксинча “вакуум” қолдириши, соҳавий вазифаларнинг идоралар ўртасида ноаниқ тақсимлангани амалда коллизиялар, бюрократик узилишлар ва профилактиканинг реактив (оқибатни бартараф этиш) моделга оғиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликлари рисклари фақат анъанавий ижтимоий омиллар билан чекланмай, рақамли муҳитдаги манипуляция, киберҳужумлар, онлайн фирибгарлик, ахборот таъсири орқали девиант хулқ шаклланиши каби янги чақириқлар билан ҳам мураккаблашиб бораётган шароитда норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва кодификация қилиш долзарб илмий-амалий вазифага айланади.

Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Хусусан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир. Бироқ ушбу ҳужжатларнинг тарқоқлиги (фрагментарлиги) ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян қийинчиликларни, айрим ҳолларда эса коллизияларни келтириб чиқармоқда. Шу ўринда, ёшлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишда норматив ҳужжатлар сонидан кўра, уларнинг сифати, тизимлилиги, ижро механизмнинг аниқлиги ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш самарадорлиги устувор мезон бўлиши лозим.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар миллий қонунчиликда бир қатор концептуал ва институционал бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги муаммоси. Бугунги кунда ёшлар профилактикасига оид нормалар турли юридик кучга эга бўлган 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатларида “*сочилиб кетган*”. Шу ўринда, Ўзбекистонлик таниқли криминолог олим, юридик фанлар доктори *И.Исмоилов* ўзининг тадқиқотларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023. – 34-б.

таъкидлаганидек, “*Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчиликнинг ҳаддан ташқари тарқоқлиги (кодификациялашмагани) хуқуқни қўллаувчиларда “хуқуқий нигилизм”ни келтириб чиқаради ва профилактик чораларнинг яхлит тизим сифатида ишлашига тўсқинлик қилади*”². Олимнинг бу фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш мумкинки, амалиётда инспектор ёки педагог бир вақтнинг ўзида “*Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида*”³ги Низомга, “*Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”⁴ги қонунга ва бошқа идоравий буйруқларга амал қилишга мажбур. Бу эса қарама-қаршиликларни вужудга келтиради.

Хорижлик хуқуқшунос, криминолог *В.В.Лунеев* бундай ҳолатни “*қонунчилик инфляцияси*” деб атайди. Унинг фикрича: “*Агар ёшлар жиноятчилигига қарши курашувчи махсус ва ягона қонун бўлмаса, умумий нормалар ёшлар психологиясининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олмайди, натижада профилактика самарасиз қолади*”⁵.

б) “Профилактика” ва “Жазо” ўртасидаги номуносивлик. Амалдаги қонунчилик, хусусан, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс кўпроқ *репрессив (жазоловчи)* характерга эга бўлиб, уларда *реститутив (тиклаш, тарбиялаш)* нормалар салмоғи кам.

Машхур италян хуқуқшуноси *Чезаре Беккариа* ўзининг классик назариясида ёзганидек: “*Жиноятнинг олдини олиш жазолашдан кўра муҳимроқдир. Яхши қонунчиликнинг мақсади одамларни қўрқитиш эмас, балки уларни жиноят йўлидан қайтариш бўлиши керак*”⁶.

Афсуски, миллий қонунчилигимизда ҳалигача “эрта профилактика” (early prevention) механизмлари тўлиқ қонунийлаштирилмаган. Маҳаллий олим *З.С.Зариповнинг* фикрича, “*Биздаги муаммо шундаки, қонунчилик фақат хуқуқбузарлик содир этилганидан кейинги жараённи (пост-факт) тартибга солади. Аммо хуқуқбузарликка олиб келувчи ижтимоий детерминантларни (оилавий муҳит, ишсизлик) бартараф этишининг мажбурий хуқуқий механизмлари қонун даражасида заиф*”⁷.

в) “Ёшлар” тушунчаси ва ёш чегарасидаги номувофиқликлар. Бунда яна бир жиддий назарий муаммо – бу профилактика субъекти бўлган шахсларнинг ёш чегарасини аниқлашдир. “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги Қонунда⁸ “ёшлар” деб 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар белгиланган. Бирок, *Жиноят кодексиди*⁹ асосий эътибор “*вояга етмаганлар*”га (18 ёшгача) қаратилган. Шу ўринда, юридик фанлар доктори, профессор *М.Х.Рустамбоев* бу борада шундай ёзади. Яъни, “*Жиноят қонунчилигидаги “вояга етмаганлар” тушунчаси билан ижтимоий қонунчиликдаги “ёшлар” тушунчаси ўртасидаги тафовут, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларнинг криминологик назоратида*

² *Исмоилов И.* Хуқуқбузарликлар профилактикаси: назария ва амалиёт муаммолари. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 87-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “*Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги қарори // <https://lex.uz/docs/1732897>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “*Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/2387357>

⁵ *Лунеев В.В.* Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции. – Москва: Волтерс Клувер, 2005. – С. 312.

⁶ *Беккариа Ч.* Жиноят ва жазо ҳақида (Италян тилидан таржима). – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 94-б.

⁷ *Зарипов З.С.* Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш чоралари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 56-б.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // <https://lex.uz/acts/3026246>

⁹ <https://lex.uz/docs/111453>

бўшлиқни юзага келтирмоқда. Ушбу тоифадаги шахслар (ёш катталар) учун ҳам энгилаштирувчи ёки махсус профилактик нормалар жорий этилиши мақсадга мувофиқ”¹⁰.

Ҳақиқатан ҳам, статистика кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг катта қисми айнан 18-30 ёш оралиғидагилар томонидан содир этилади, лекин уларга нисбатан қонунчиликда худди вояга етмаганларга қўлланиладиган махсус тарбиявий чоралар (педагог иштироки, ота-она кафиллиги) кўзда тутилмаган.

2) **Рақамли макон ва қонунчиликнинг “ортда қолиши”**. Бунда замонавий ғарб криминологлари, хусусан Дэвид Фаррингтон ўз назарияларида “Хавф омиллари” (Risk factors) ўзгарганини таъкидлайди. Унинг фикрича, бугунги кунда кўчадаги безориликдан кўра, “рақамли виктимизация” (интернет орқали қурбон бўлиш ёки жиноятга тортилиш) ёшлар учун хавфлироқдир¹¹.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда интернетдаги деструктив гуруҳларга (масалан, “Кўк кит” типидagi ўйинлар, диний экстремистик оқимлар) жалб қилиш учун аниқ ва тўғридан-тўғри жавобгарлик механизмлари мукамал эмас. Шу ўринда ҳуқуқшунос олим А.А.Отажонов таъкидлаганидек, “Кибермакондаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив база фақатгина тақиқлашга асосланган. Бизга провайдерлар масъулиятини ва рақамли гигиена’ни таълим тизимига мажбурий жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик базаси зарур”¹².

Келтирилган олимларнинг фикрлари ва қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, 2-босқичдаги асосий муаммо – бу тизимли ёндашувнинг йўқлигидир. Маҳаллий олимлар (И.Исмоилов, М.Рустамбоев) асосан кодификациялаш ва миллий қонунчиликни уйғунлаштириш тарафдори бўлса, хорижий назариялар (Ч.Беккариа, Д.Фаррингтон) профилактиканинг ижтимоий ва психологик жиҳатларини қонунда акс эттиришга ундайди. Шу боис, диссертациянинг кейинги қисмида айнан ушбу икки ёндашувни бирлаштирувчи – “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар кодекси”ни яратиш ғояси илгари сурилиши илмий жиҳатдан асосланган деб топилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига таяниш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон криминологиясида ёшлар жиноятчилигига қарши курашишнинг пунитив (жазоловчи) моделидан ресторатив (тикланувчи) адлия моделига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасидаги стандартлари миллий қонунчиликни тизимлаштириш учун “андоза” вазифасини ўтайди. Хусусан, “Пекин қоидалари” (БМТнинг вояга етмаганлар одил судловини юритишга доир минимал стандарт қоидалари)нинг 5-моддасида

¹⁰ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-том. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2018. – 415-б.

¹¹ Farrington D.P. Developmental and life-course criminology: Key theoretical and empirical issues. *Criminology & Public Policy*, 2013. Vol 2. – P. 12-15.

¹² Отажонов А.А. Кибержиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: 2020. – 18-б.

белгиланишича “Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими жазолашга эмас, балки вояга етмаган шахсининг фаровонлигини таъминлашга қаратилиши лозим”¹³.

Шунингдек, “Риёз қўлланмаси” (Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир БМТ қўлланмаси)да “профилактика” тушунчасига кенг таъриф берилиб, ёшларни жиноят оламига кириб қолишининг олдини олиш учун “декриминализация” (қилмишни жиноят тоифасидан чиқариш) ва “депенализация” (жазо тайинламаслик) сиёсатини қўллаш тавсия этилади¹⁴. Ўзбекистон қонунчилигида ушбу халқаро нормаларнинг аксарияти акс этган бўлса-да, амалиётда уларнинг ижро механизмлари (масалан, ихтисослашган ювенал судларнинг йўқлиги) тўлиқ шаклланмаган. Жумладан, Германия қонунчилиги (*Continental Law тизими*) бизнинг ҳуқуқ тизимимизга яқинлиги билан ажралиб туради. Германиянинг 1953 йилда қабул қилинган “Вояга етмаганлар судлови тўғрисида”ги қонуни (*Jugendgerichtsgesetz – JGG*) энг мукамал кодификациялашган ҳужжатлардан биридир.

Ушбу қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда “*Heranwachsende*” (*Ёш катталар*) тушунчаси мавжуд. Унга кўра, 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахслар жиноят содир этганда, агар уларнинг руҳий ва ахлоқий ривожланиши вояга етмаганлар даражасида деб топилса, уларга нисбатан катталар учун мўлжалланган жазо эмас, балки вояга етмаганлар учун мўлжалланган тарбиявий чоралар қўлланилади¹⁵.

Таклиф ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам 18-21 ёш оралиғидаги ёшларнинг жинойи жавобгарлиги масаласида Германия тажрибасини қўллаш, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазоларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Англо-саксон АҚШ, Буюк Британия ва Япония ҳуқуқ тизимида “Диверсия” (*Diversion*) дастурлари кенг ривожланган. Диверсия – бу қонунбузар ёшни расмий суд жараёнидан четлаштириб, уни муқобил реабилитация дастурларига йўналтиришдир. Криминолог олим М.Тонрининг таъкидлашича, “Ёшларни қамоқхона ёки расмий суд залига олиб кириш – уларни “стигматизация” қилишга (жиноятчи тамгасини босишга) олиб келади ва қайта жиноят содир этиш эҳтимолини оширади”¹⁶.

Японияда эса “Оилавий судлар” (*Katei Saibansho*) фаолият юритади. Ушбу судлар жазолашдан кўра кўпроқ ташхис қўйиш марказини эслатади. Жумладан, судья ҳукмидан олдин психолог, шифокор ва ижтимоий ходим болани тўлиқ текширувдан ўтказди.

Шунингдек, Японияда “*Hogoshi*” (*кўнгилли пробация офицерлари*) тизими мавжуд бўлиб, улар маҳаллий ҳамжамият вакиллари билан сайланади ва назоратдаги ёшларга ғамхўрлик қилади¹⁷.

Қиёсий таҳлил шундан далолат берадики, Япониядаги “*Hogoshi*” тизими Ўзбекистондаги “Маҳалла фаоллари” ва “Ёшлар етакчилари” институтига жуда яқин.

Бироқ, бизда бу институт вакилларининг процессуал ваколатлари (*суд жараёнидаги иштироки*) қонун билан мустаҳкамланмаган.

¹³ БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни юритишга доир минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”). БМТ Бош Ассамблеясининг 40/33-сонли Резолюцияси, 1985 йил 29 ноябрь. – 5-банд.

¹⁴ United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines). Adopted and proclaimed by General Assembly resolution 45/112 of 14 December 1990. – Para 5.

¹⁵ Dünkel F. Juvenile Justice in Germany. In: *Juvenile Justice in Europe: Past, Present and Future*. Routledge, 2018. – P. 102.

¹⁶ Tonry M. The Oxford Handbook of Crime and Criminal Justice. – Oxford University Press, 2011. – P. 620.

¹⁷ Yokoyama M. The Juvenile Justice System in Japan. *Kogakuin Law Review*, 2019. Vol 27. – P. 15-18.

Бизга минтақавий ва ментал жиҳатдан яқин бўлган Қозоғистон Республикаси тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ. Қозоғистонда 2012 йилдан бошлаб “*Вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослашган туманлараро судлар*” (Ювенал судлар) ташкил этилган¹⁸. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ихтисослашган судларнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик даражасини сезиларли пасайтиришга ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиётини қисқартиришга хизмат қилган.

Хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қонунчилигини тизимлаштиришда қуйидаги 3 та институтга эҳтиёж мавжуд:

1. “*Ёш катталар*” мақомини Жиноят кодексига киритиш (*Германия тажрибаси*).
2. “*Диверсия*” механизмларини қонунийлаштириш (*АҚШ тажрибаси*).
3. Ихтисослашган “*Оила ва ёшлар судлари*”ни ташкил этиш (*Япония ва Қозоғистон тажрибаси*).

Юқорида амалга оширилган таҳлилий-танқидий ўрганишлар натижалари ҳамда илғор хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарадорлигини ошириш норматив-ҳуқуқий базани тубдан ислоҳ қилиш ва тизимлаштиришни тақозо этади. Шу боис, мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи навбатда, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлигини бартараф этиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини унификация қилиш мақсадида “*Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар кодекси*”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати мавжуд. Амалдаги қонунчилик базаси 20 дан ортиқ қонун ва 50 га яқин қонуности ҳужжатларидан иборат бўлиб, бу ҳолат ҳуқуқий коллизияларни келтириб чиқармоқда. Академик *А.Х.Саидов* таъкидлаганидек, “Кодификациялаш – бу шунчаки нормаларни йиғиш эмас, балки эскирган нормаларни чиқариб ташлаш ва янги сифат босқичидаги яхлит ҳуқуқий тизимни яратишдир”¹⁹. Шу нуқтаи назардан, таклиф этилаётган Кодексида ёшларнинг ҳуқуқий мақоми, давлат кафолатлари билан бир қаторда, “*Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими*” ҳамда “*Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва хавф гуруҳидаги ёшлар билан ишлаш тартиби*” каби махсус бўлимларнинг ажратилиши, профилактика субъектлари ваколатларини аниқ чегаралаш имконини беради.

Иккинчи муҳим йўналиш сифатида жиноят ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш ҳамда “*тикланувчи адлия*” (Restorative Justice) тамойилларини жорий этиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Хусусан, Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганлар ва ёшлар (18-21 ёш) учун “*Диверсия*” (*Diversion*) институтларини жорий этиш илмий жиҳатдан асосланди. Бу механизм ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган ёшларни жиноий таъқибдан чиқариб, уларга нисбатан муқобил тарбиявий чоралар (*маҳалла кафиллиги, психолог назорати*) қўллаш орқали амалга оширилади. Мазкур ёндашув БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 24-сонли

¹⁸ Бердимуратова Г. Қозоғистон Республикасида ювенал адлия тизимининг ривожланиши. // *Ҳуқуқ ва бурч* журналы, 2021, №4. – 45-б.

¹⁹ Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепцияси ва кодификациялаш муаммолари. // *Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили*, 2019. – №1. – 12-б.

Умумий шарҳидаги “*Давлатлар иложии борича болаларни расмий суд тизимидан четлатиши чораларини кўриши шарт*” деган императив нормасига тўлиқ мос келади²⁰.

Зеро, профессор *Г.З.Тўлаганова* қайд этганидек, вояга етмаганлар жиноятчилигида жазонинг мақсади азоб бериш эмас, балки шахсни жамиятга қайтариш (ресоциализация) бўлиши лозим²¹. Шунингдек, судгача бўлган жараёнда “*Медиацция*” тартибини мажбурий қўллаш институтини кенгайтириш таклиф этилади.

Учинчидан, глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнлари шароитида “*электрон профилактика*”нинг мустаҳкам ҳуқуқий механизмларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Амалдаги қонунчиликда виртуал макондаги таҳдидларга қарши курашиш механизмлари етарли эмас. Шу сабабли, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “*Кибербуллинг*” (*интернетда таҳқирлаш*) учун жавобгарлик белгиловчи махсус норма киритиш, шунингдек, “*Ахборотлаштириш тўғрисида*”ги Қонунга провайдерларнинг вояга етмаганлар учун зарарли контентни автоматик филтрлаш мажбуриятини юклаш бўйича ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ. Россиялик ҳуқуқшунос *И.М.Рассоловнинг* фикрича, интернет ҳуқуқида провайдерлар шунчаки техник воситачи эмас, балки ахборот хавфсизлигининг субъекти сифатида қонуний жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт²². Бу эса ёшларни замонавий ахборот хуружларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиради.

Тадқиқот доирасида амалга оширилган назарий-ҳуқуқий таҳлиллар ҳамда илғор хорижий тажрибанинг қиёсий ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ислоҳ қилиш зарурати – мавжуд қонунчилик базасини шунчаки миқдор жиҳатдан кўпайтиришни эмас, балки уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, яъни *чуқур тизимлаштириш ва кодификациялашни* тақозо этмоқда.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги (*фрагментарлиги*) ва профилактика субъектлари ваколатларидаги номувофиқликлар соҳада ягона давлат сиёсатини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омил сифатида баҳоланди. Шу боис, параграф доирасида ишлаб чиқилган илмий хулосаларга кўра, куйидаги концептуал ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ҳуқуқий базани унификация қилишнинг энг самарали механизми сифатида “*Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар кодекси*”ни қабул қилиш ҳаётий заруратга айланди. Мазкур Кодекснинг қабул қилиниши соҳадаги 20 дан ортиқ қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатларидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиб, ёшларнинг ҳуқуқлари, кафолатлари ва мажбуриятларини, шунингдек, профилактиканинг аниқ механизмларини ўзида жамлаган яхлит ҳуқуқий манба вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, замонавий таҳдидларнинг ўзгарувчан табиатидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда “*рақамли профилактика*” (cyber-prevention) институтларини қонунийлаштириш лозим. Бунда интернет провайдерлари ва ижтимоий тармоқ маъмурларининг ёшларни зарарли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича юридик масъулиятини кучайтириш – виртуал макондаги ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади.

²⁰ General Comment No. 24 (2019) on children’s rights in the child justice system. UN Committee on the Rights of the Child. CRC/C/GC/24. Para 16-18.

²¹ *Тўлаганова Г.З.* Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019. – 456-б.

²² *Рассолов И.М.* Право и Интернет. Теоретические проблемы. – Москва: Норма, 2009. – С. 89.

Учинчидан, профилактика тизимининг фалсафасини ўзгартириш, яъни жазоловчи (пунитив) ёндашувдан тикланувчи (ресторатив) адлияга ўтиш мақсадида, қонунчиликка “*диверсия*” ва “*медиацция*” институтларининг кенг жорий этилиши илмий жиҳатдан асосланди. Бу ўзгаришлар ёшларни жиноий муҳитдан узоқлаштириш, уларни жамиятга қайта интеграция қилиш (*ресоциализация*) жараёнини тезлаштириш имконини беради.

Пировардида, таклиф этилаётган ушбу норматив-ҳуқуқий ислохотлар ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни нафақат жиловлаш, балки унинг туб илдизларини тизимли бартараф этишга хизмат қилувчи барқарор ва халқчил ҳуқуқий механизмни яратишни таъминлайди.